

АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Акмалжон Жўраев

к.х.ф.ф.д., доцент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Достонбек Тошматов

Талаба, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Темурбек Тўраев

Талаба, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7308747>

Аннотация. Мақолада кузги буғдой етиштиришида тупроққа ишлов бериш, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг унинг биометрик кўрсаткичларига таъсири тўғрисида Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига мойил типик бўз тупроқлари шароитида ўтказилган дала тажрибаларидан олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: биометрик кўрсаткич, тупроққа ишлов бериш, кузги буғдой, кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар, ўсимликнинг бўйи.

ВЛИЯНИЕ АГРОТЕХНИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ НА БИОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

Аннотация. В статье представлены данные полевых опытов, проведенных в условиях типичных склоновых к ирригационной эрозии сероземов Ташкентской области о влиянии обработки почвы, толщины всходов и норм минеральных удобрений на ее биометрические показатели при возделывании озимой пшеницы.

Ключевые слова: биометрический показатель, обработка почвы, озимая пшеница, толщина всходов, минеральные удобрения, высота растений.

EFFECT OF AGROTECHNICAL MEASURES ON BIOMETRIC PARAMETERS OF WINTER WHEAT

Abstract. The article presents the data obtained from the field experiments conducted in the conditions of typical gray soils prone to irrigation erosion of Tashkent region about the effect of soil tillage, seedling thickness and mineral fertilizer norms on its biometric indicators in the cultivation of winter wheat.

Key words: biometric index, tillage, winter wheat, seedling thickness, mineral fertilizers, plant height.

КИРИШ

Кузги бўғдойнинг бир бошокдаги дон оғирлиги, бошок узунлиги, бошокдаги дон сони, ва 1000 дон дон вазни унинг ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Барча ышлланилган агротехник тадбирлар кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига боғлиқ ҳолда унинг биометрик кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Шуни инобатга олган ҳолда агротехник тадбирларни кузги буғдойнинг биометрик кўрсаткичларига қай жаражада таъсири борлигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилоятининг Қибрай туманида илмий изланишлар олиб бордик. Ушбу изланишлар давомида биз кузги буғдойнинг ўғитлаш меъёрлари кўчат қалинлиги ҳамда тупроққа ишлов бериш усулларини унинг биометрик кўрсаткичларига таъсирини ўргандик.

Тадқиқот натижаларига кўра кузги буғдой ғўза қатор орасига экилганда бошоқ узунлигини ўрганганимизда энг кичик бошоқ 7-вариантда, яъни 6 млн.дона/га уруғ экилиб, минерал ўғитлар миқдори N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрида қўлланган вариантда кузатилди. Бунда бошоқ узунлиги 7.6 см ни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич эса уруғ экиш меъёри 4 млн.дона/га этиб белгиланган ҳамда минерал ўғитлар меъёри N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ кг/га қўлланган 3-вариантда қўлланилган бўлиб, бошоқнинг узунлиги 9.2 см ни ташкил қилди.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кузги буғдойнинг биометрик кўрсаткичларидан бири бўлган бир бошоқдаги дон сонини ўрганганимизда ғўза қатор орасига экилган кузги буғдойда биз қўллаган омилларни ушбу кўрсаткичга ҳам таъсири бўлганлигини кўришимиз мумкин. Дала тажрибаларидан олинган натижалар шуни кўрсатяптики кузги буғдой уруғини 5 млн.дона/га экилган, ҳамда минерал ўғитлар меъёри N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ кг/га қўлланган 6-вариантда бир бошоқдаги донлар сони энг юқори, яъни 39.5 донани ташкил қилган. Илмий тадқиқот ишларининг 3-вариантида ҳам (1-жадвалга қаранг) бу кўрсаткич бошқа вариантларга нисбатан яхши бўлганлиги аниқланди. Бир бошоқдаги донлар сони энг паст кўрсаткич кузатилган вариант эса 7-вариант бўлиб бир бошоқдаги дон сони 36.9 донани ташкил қилди.

1-жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларини кузги буғдойнинг бошоқ маҳсулдорлигига таъсири.

Ўза қатор орасига экилган						
№	Экиш меъёри	Ўғит меъёри	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқдаги дон сони, дон	Бошоқдаги дон вазни, гр	1000 дон дон оғирлиги, гр
2010 йил						
1	4	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	7,8	37,8	1,40	38,3
2		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	8,5	38,6	1,50	38,9
3		N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	9,2	39,5	1,54	39,1
4	5	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	7,9	38,1	1,41	37,1
5		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	8,1	38,0	1,50	38,5
6		N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	8,2	39,5	1,52	39,2
7	6	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	7,6	36,9	1,39	37,8
8		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	7,9	38,1	1,47	38,5
9		N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	8,0	38,4	1,52	38,7

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ВА МУҲОКАМА

Биз олиб борган тадқиқот натижаларига кўра ғўза қатор орасига култивация билан ишлов бериб, кам миқдорда минерал ўғитлар қўлланилиб сўнгра кузги буғдой экилган 1-вариантда бошоқдаги донлар оғирлиги бошқа вариантлардан кам бўлганлиги кузатилди. Таҳлил натижаларига кўра 1-вариантда бир бошоқдаги дон оғирлиги 1.40 гр ни ташкил қилди.

Илмий изланишларда агротехник тадбирларни 1000 дона дон вазнига таъсири ўрганилганда эса энг паст кўрсаткич 4-вариантда яъни 5 млн.дона/га кузги буғдой уруғи экилиб, минерал ўғитлар микдори $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрида қўлланган вариантда кузатилди. Ушбу вариантда 1000 дона дон вазни 37.1 гр ни ташкил қилди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш меъёри ҳамда минерал ўғитлар микдорлари кузги буғдойдаги бошоқ узунлиги, бошоқдаги дон сони, бошоқдаги дон вазни ва 1000 дона дон оғирлигига ҳам албатта ўз таъсирини кўрсатар экан.

REFERENCES

1. Жўраев А., Хошимов И., Маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири //«Экология хабарномаси» журнали. Тошкент, 2018. №5(205. Б. 16–17. (06.00.00.№2).
2. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. - Белгород:2020. 12-14 с.
3. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 15-18 с.
4. Жураев А., Хошимов И. Влияние агротехнологии озимой пшеницы на зерновую плодородность //журнал: «Актуальные проблемы современной науки». Москва, 2018. №4. С. 166–168. (06.00.00.№5).
5. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
6. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятия при возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.
7. Жураев А.Н., Оптимальные элементы агротехнологии при возделывании озимой пшеницы //Международный центр научного сотрудничества «Приоритетные направления развития науки и образования». Пенза. 2018. С. 69–72.
8. Жўраев А., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж., Пути повшения плодородия почв и урожай озимой пшеницы // Ж. The Way of Science international scientific journal. ISSN: 2311-2158. №6(76), 2020. 21-б.
9. Акмалжон жураев, Дилнозахон Камбарова, Ортикали Исмоилов, Бурхонджон Очилов, Влияние эффективных агротехнологий росту озимой пшеницы // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №4, 2022. 122-ст.

10. Жўраев Акмалжон Нормухамадович, Қамбарова Дилноза Қодировна, Исмоилов Ортиғали, Кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги ва маъданли ўғитлар меъёрларини тупроқнинг ҳажм оғирлигига таъсири // SCIENCE AND INNOVATION international scientific journal/ ISSN: 2181-3337. №3, 2022. 417 б.